



Ислом Нури

Хурматли ота-оналар, фарзандингизни кўчада кимлар билан ўртоқлашаётганига, кимлар билан кўпроқ бўлаётганига жиддий аҳамият беринг.

Баъзи болаларнинг бетарбия оилада ўсаётгани, ёмонсўз, шилким бўлиши ва ўзининг

ёмон таъсирини фарзандингизга ўтказаётгани эҳтимолдан холи эмас.

Канчадан-канча

ота-оналар улгайиб колган фарзандларини ёмон дўстларидан ажратиб ололмаётганига

гувоҳ бўламиз. Баъзан ёвуз дўстлари туфайли ароқхўр, зинокор, ўтрикиссавур ва

айникса бугунги кунда, наркотик моддалар истеъмолига ўтириб колган фарзандларни

тарбия қилишдан ота-оналари ожиз қолишмоқда. Ўз фарзандларидан тўйиб, уларга

кафасни раво кўришмоқда. Меҳрибон пайгамбаримиз саллаллоху алайхи ва саллам

айтган эдилар: Киши дўстининг динида бўлади. Ким билан дўстлашаётганига назар

солсин (Хадис саҳихдир).

1. Савол: Болажоним, яна нимага иймон келтирамиз?

Жавоб: Охират кунига иймон келтирамиз.

2. Савол:
Болажоним, охиратда нима бўлади?

Жавоб: Барча-барча одамлар қайта



Ислом Нури

тирилади.

3. Савол: Демак, инсонлар ўлгандан кейин яна тириладими?

Жавоб: Ха дадажон, кайта тирилишади. Кейин мўминлари жаннатга, кофирлари эса дўзахга киради.

4. Савол: Болажоним, яна нимага иймон келтирамиз?

Жавоб: Такдирнинг яхшилиги ва ёмонлигига Аллох таоло томонидан эканлигига иймон келтирамиз.

5. Савол: Болажоним, биз мана шу 6 та нарсага иймон келтирдик. Агар инсон шуларнинг биттасига иймон келтирмаса нима бўлади?

Жавоб: Кофир бўлади. Хаммасига иймон келтириш шарт.

6.

Савол: Болажоним, инсон учун шу Иймондан ортик бахт борми?

Жавоб: Йўк дадажон, хамма бахт иймонли кишида.